



1 / 4

чиккан, бундан эса Баруласлар уруг бўлинмалари: Эрдемту Барулас, Тодоев-Барулас ва бошқалар пайдо бўлган. Харандайнинг болалари Будаад-кашник кабиласи асосчилари бўлган, улар аралаштирилмаган каша каби, каттаси ҳам, бошлиги ҳам бўлмаганлиги сабабли шундай аталган. Хачиуннинг Адаркидай исмли ўгли бўлган. У ака-укалар ўртасидаги низолар туфайли Адаркин-сутяги деб аталган кабила асосчиси бўлган. Начин-Баатурнинг ўгиллари Уруудай ва Мангутай деб аталган. Улардан Урууд ва Мангуд кабилалари тарклаган. Начин-Баатурнинг биринчи, катта хотинидан яна Шичжуудай ва Дохолодай тугилган.

Бошка бир фаразга кўра, барлослар келиб чиқиши азалдан туркий бўлган. Туркман шоири Нурмухаммад Андалибнинг (1712-1780) «Ўғузнома» тарихий асарида Барлослар уруги ўғузларнинг Халаж кабиласидан ажралиб чиккани хақида гапирилади.

Тарихий маълумотлар

Барлом этноними Чингизхон давридан маълум. Рашидиддин ёзишича, Чингизхон ўгли Чигатойга ажратган 4 минг кишилик кўшин, хусусан, барлослардан иборат бўлган, жалойирлар каби, дастлаб барулос номи остидаги мўғул кабиласи бўлган, мўғул тилидан таржима қилганда «семиз, кучли» маъносини англатарди. У, шунингдек, «саркарда, йўлбошчи, жасур жангчи» маъносини англатган ва кабила вакилининг ҳарбий жасорати билан боглик бўлган.

Абулғозихон (1603-1664), халқ этимологиясига асосланиб, барлос сўзи «кўмондон, саркарда» маъносини англатади дея таъкидлаган.

Дастлаб замоновий Монголия ҳудудида яшашган. XIII асрга оид мўғул манбаси барлосларнинг айрим уруг бўлинмаларини ёдга олиб ўтади: эрдемту барулас ва тодоев-барулас.

Тарих фанлари доктори, этнограф Б.Х.Кармишевнинг фикрига кўра, барлослар ўзбеклар таркибига кирган энг қадимий ва қудратли туркий кабилалардан бири бўлган. Аксарият манбаларда барлослар XIII асрнинг иккинчи ярмида туркийлаштирилган ва XIV асрга келиб, тўлалигича туркий чигатой тилида (эски ўзбек) гапирган кабила сифатида шарҳланади. Шу билан бир пайтда, Ибн Арабшоҳ барлос уругидан бўлган замондоши Амир Темурга қуйидагича таъриф беради: «Форс, туркий ва мўғулга келадиган бўлсак, буларни у ҳар қимдан яхши билган». Уларнинг бир қисми 1266 йилдан кейин Ўрта Осиё вохаларига кўчиб ўтган. Асосан улар Кеш ҳудудида (ҳозирги Ўзбекистоннинг Шаҳрисабз тумани) жойлашган.

Б. Х. Кармишевнинг фикрига кўра, Мовароуннаҳр ҳудудида яшаган барлос уруглари номлари мўғуллар уруглари билан боглик эмас, балки минтаканинг туб аҳолисини ифодалаган.

Темурийлар даврида барлослар

Туркийлаштирилган барлослар Амир Темур (1370-1405) ва Темурийлар (1405-1507) хукмронлиги даврида Мовароуннахр ва Хуросонда кудрат чўккисига чикишган. Темурнинг ўзи бирлослар уругидан бўлиб, ўз юришларида барлос саркардаларига таянган, гарчи турли уруг ва қабилаларга мансуб бўлса-да. Барлослар XIV асрда Қашқадарё воҳасида жойлашган. Амир Темур хомийлигида барлослар бошқа минтакаларда ҳам таркала бошлади. Маълумки, Амир Темурнинг ўлиmidан кейин ҳам барлослар темурийлар давлатларида фахрли мавқега эга бўлганлар. XVI аср бошларида барлослар бир қисми, дашти-кипчоклик ўзбеклар билан жанглардаги мағлубиятдан сўнг Бобур билан биргаликда Афғонистон томон йўл олган.

Мовароуннахр барлослари темурийлардан кейинги даврда

XVI асрда барлослар Амударёнинг чап ва ўнг соҳилида яшаган. Бу пайтга келиб, қабилалар унга бошқа қабилаларнинг қўшилиши ҳисобига катталашган, чунки у билан иттифок тузиш обрўли саналарди. Бироқ келгусида, шайбонийлар хукмронлиги ўрнатилгач, барлослар ўз мавқеини йўқотди.

Бухоро хонлиги даврида барлосларнинг бир қисми, ўз номи ва анъанавий ички бирлигини сақлаган ҳолда, ярим қўчманчи турмуш тарзини давом эттирган ва чорвадорлик билан шугулланган. Бу асосан қабилалар аъзолари ўртасида никоҳ қурилиши, шунингдек, барлос қабиласи аъзоларининг ўзига ҳос «ташриф қогози» бўлган сўзамоллик, гапга чечанликда намоён бўлган.

Самарқанд вилоятига яқин жойлашган Шахрисабз барлослари, аксинча, уларнинг аجدодлари узок вақт давомида Хисорда яшаган, шундан сўнг жонажон ўлкаси – Қашқадарё воҳасига қайтиб келган деб ҳисоблайди. Юқори Тарагай қишлоғи (Қашқадарё) аҳолиси орасида тарқалган афсоналардан бирига қўра, ўтмишда улар бу жойларни тарқ этганлар ва Хисорга йўл олиб, у ердан XIX асрнинг бошларида қайтиб келган. Бошқа манбаларга қўра, XVIII аср ўртасида мангит Муҳаммад Раҳим 20 мингга яқин барлосни Самарқанд ва Шахрисабз ҳудудига қўчириб ўтказган.

Барлослар асосан туркийлашган ва ўзбек этноси таркибида ассимиляция қилган, унинг этнографик гуруҳи ҳисобланган. Барлослар Мовароуннахрда XVI асрда тузилган 92 ўзбек қабиласи рўйхатида кўрсатилган, масалан, Ўзбекистон шарқшунослик институти тўпламида 4330.3 рақамли кўлёзмада шундай қайд этилган.

XX асрнинг бошига келиб, Мовароуннахрда уларнинг сони кам қолгани, қўпчилик ассимиляция қилгани ёки Афғонистон, Покистон ва Шимолий Ҳиндистонга қўчиб кетган. 1920 йил барлослар фақат Самарқанд вилоятининг тоғ туманларида ва Шахрисабз воҳасида қайд қилинган. Барлослар, шунингдек, Хисор водийсида яшаган. Улар қуйидаги уруғларга бўлинган: толиббачча, қозибачча, пўлатбачча, ахсакбачча, неъматбачча, шашбачча, ката қалхопизи, майда қалхопизи, жатта.

1920 йилги аҳолини рўйхатга олишда Самарқанд вилоятида барлосларнинг асосий қисми Қоратёпа, Магиан-фароб, Панжикент волостларида 3002 киши миқдорида қайд этилган.

1924 йилги районлаштириш маълумотларига кўра, собик Хисор беклигида 7501 ўзбек-барлос ва собик Денов беклигида 468 ўзбек-барлос яшаган. 1926 йилги районлаштириш маълумотларига кўра, Юкори Кашкадарёда 710 барлос рўйхатдан ўтказилган ва улар Саёт, Хасан-тепа, Оммагон, Тошкалок, Аёкчи, Хонака, Тарагай кишлокларида яшаган. Бу кишлокларда толиббачча, козибачча, неъматбачча каби уруғлар яшаган.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида барлосларнинг икки уруғи – олтибачча ва калхофизиди яшайди. Олтибаччалар, афсоналарга кўра, олти ака-укадан таркалган. Шунингдек, козибачча, пўлатбачча, ахсакбачча, неъматбачча каби уруғлар ва авлодлар фаркланади. Барлосларнинг анча йирик гуруҳи – Кашкадарё хавзасидан кучиб келганларнинг авлодлари XIX асрнинг биринчи ярмида Панжикентдан шарқда маркази Сужинда бўлган кишлоклар гуруҳини ташкил қилди. Ундан жанубда, Магианда улар Чорбоғ кишлоғига, шимолда, Афтобруеда эса Юкори-кишлокка (Турки дач) асос солдилар.

Айни вақт Самарканд, Кашкадарё вилоятларида турк-барлос қабила номи сақланган. Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида эса, бу ном этнотопоним шаклида сақланиб қолган. Масалан, Сурхандарё вилоятидаги Барлос кишлоғи қаби.

Хозирги ҳолат

Ички Монғолия ҳудудида мўғуллар таркибида барлосларнинг икки уруғи вакиллари яшайди (барулас, ехэ барулас). Барулас, Барлос оилавий фамилиялари соҳиблари Монғолиянинг ўзида ҳам маълум. Барлос уруғлари: икки бурул ва бага бурул калмиклар субэтнослари таркибига қиради: дербетлар ва бузавлар. Ушбу уруғ гуруҳлари номидан Калмикистонда аҳоли пунктлари номи ҳам келиб чиққан: Икки-Бурул, Бага-Бурул, Бурул. 2010 йил Тожикистонда аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари бўйича мамлакатда барлослар сони 5271 кишини ташкил қилган.

Киргизистоннинг Боткен вилояти тарибида ҳам барлослар мавжудлиги қайд этилади. Барлос шеваси ўзбек тилининг карлук-чигил шевасига мансуб бўлиб, кўплаб белгилар бўйича ўзбек тилининг шаҳарча шеваларига яқин. Шу билан бирга, бу шева кипчок шеваларида қисман топилган лингвистик хусусиятларга эга. Бирок, кипчок шеваси шаҳарча шевага тегишли эмаслиги сабабли, барлосларнинг шеваси карлук-чигил ва кипчок ўртасида оралик, яъни ўзбек тилининг алоҳида тури сифатида қўлланилади. Шунингдек, барлос вакиллари хазарийлар халқининг шаклланишида иштирок этган.

Абу Муслим таржимаси